


IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2019 йилнинг январь–декабрида 18252 та янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 151,2 %га тенг демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (жамига нисбатан-42,4 %), саноат тармоғида (15,3 %), қурилиш тармоғида (9,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида (6,6 %), ахборот ва алоқада (3,6 %) ташкил этилган.

2019 йил январь–декабрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда



2019 йилнинг январь–декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 39 586,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг индекси 104,6 %) ни ташкил қилади.

– инвестициялар ҳажми 19 352,9 млрд. сўмлик (умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 46,6 %) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 124,1 % ташкил қилди;

– қурилиш ишлари ҳажми 11 175,1 млрд. сўмлик (қурилиш ишлари умумий ҳажмидаги улуши 72,5 %) ва 2018 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 121,8 % ни ташкил қилди; – хизматлар ҳажми 30 061,5 млрд. сўмлик кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмидаги улуши 46,0 %) 2018 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 105,1 % ни ташкил қилди;

– автомобиль транспортида 106 390,6 минг тонна юк ташилиб (жами автомобил транспорти юк ташишдаги улуши 69,2 %) 2018 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 104,6 % ташкил қилди;

– автомобиль транспортида 990 002,7 минг йўловчи ташилиб (умумий йўловчи ташишдаги улуши 78,9 %) 2018 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 107,4 % ташкил қилди;

– савдо ҳажми 26 503,9 млн. сўмлик чакана товар айланмаси шаклланиб (умумий чакана товар айланмаси ҳажмидаги улуши 70,3 %) 2018 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 99,2 % ташкил қилди;


– товар ва хизматлар экспорт ҳажми 718,6 млн. АҚШ долларни (умумий экспорт ҳажмидаги улуши 22,7 %) ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши (умумий ҳажмига нисбатан млрд.сўмда)


Туманлар бўйича энг юқори саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми Яшнобод (5 583,9 млрд. сўм), Олмазор (4 664,2 млрд. сўм), Бектемир (4 333,7 млрд. сўм) ва Юнусобод (4 074,0 млрд. сўм) туманлар ҳиссасига тўғри келади.

Шайхонтоҳур (2 851,4 млрд. сўм), Мирзо Улуғбек (2 633,1 млрд. сўм) ва Миробод (2 333,5 млрд. сўм) туманларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2019 йил январь–декабрда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати




2019 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати



Чакана товар айланмаси бўйича энг юқори ҳажм Юнусобод (3650,1 млрд. сўм), Чилонзор (3 388,0 млрд. сўм), Учтепа (3 250,7 млрд. сўм), Шайхонтохур (3 195,7 млрд. сўм) ва Бектемир (2 850,9 млрд. сўм) туманларига ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек туманлар бўйича энг паст чакана товар айланмаси Яккасарой (1 222,0 млрд. сўм), Олмазор (1 435,1 млрд. сўм), Мирзо Улуғбек (1 570,7 млрд. сўм), Яшнобод (1 688,5 млрд. сўм) ва Миробод (2 093,4 млрд. сўм) туманларига тўғри келади.

**2019 йил январь-декабрда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик
(бизнес)да қурилиш соҳаси улуши**




Қурилиш соҳаси бўйича энг юқори ҳажмга эга бўлган Яккасарой (1 370,4 млрд. сўм), Мирзо Улуғбек (1 353,3 млрд. сўм), Миробод (1 346,2 млрд. сўм), Олмазор (1 136,5 млрд. сўм), Юнусобод (1 135,1) ва Яшнобод (1 057,3 млрд. сўм) туманларга тўғри келади.

Бектемир тумани (222,1 млрд. сўм), Учтепа тумани (596,4 млрд. сўм), Чилонзор тумани (889,8 млрд. сўм), Шайхонтоҳур тумани (1028,0 млрд. сўм) ва Сергели тумани (1039,9 млрд. сўм) қурилиш соҳасида паст ҳажмга эга.

2019 йил январь-декабрда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да


инвестиция соҳаси улуши



Инвестиция соҳаси бўйича энг юқори ҳажмлар Шайхонтоҳур (5 279,4 млрд. сўм), Яккасарой (2 654,6 млрд. сўм), Миробод (1 843,3 млрд. сўм), Юнусобод (1 685,0 млрд. сўм) ва Яшнобод (1 569,8 млрд. сўм) туманларга тўғри келади.

Бектемир (641,0 млрд. сўм), Учтепа (758,6 млрд. сўм), Чилонзор (926,6 млрд. сўм) ва Сергели (1 101,2 млрд. сўм) туманларда инвестиция ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

**2019 йил январь-декабрда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да
хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати**



Хизматлар соҳасида энг юқори ҳажмлар Мирзо Улуғбек (3 664,8 млрд. сўм), Юнусобод (3 509,8 млрд. сўм), Шайхонтоҳур (3 422,3 млрд. сўм), Чилонзор (3 227,1 млрд. сўм) ва Миробод (3 053,0 млрд. сўм) туманларга тўғри келади.

Энг паст хизмат ҳажмига эга бўлган Бектемир (1 581,2 млрд. сўм), Сергели (1 765,3 млрд. сўм), Яшнобод (2 282,6 млрд. сўм) ва Олмазор (2 354,3 млрд. сўм) туманлар ҳисобланади.

2019 йил январь-декабрда кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар ва асосий тармоқлар бўйича улуши, фоизда

	<i>Саноат</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Хизматлар</i>	<i>Чакана савдо</i>
Тошкент шаҳри	67,4	72,5	46,0	70,3
<i>туманлар:</i>				
Бектемир	71,7	43,7	92,3	95,8
Мирзо Улуғбек	41,9	68,8	59,4	73,2
Миробод	28,5	56,4	28,9	66,6
Олмазор	90,3	91,7	66,0	60,3
Сергели	71,9	94,6	46,9	66,1
Учтепа	87,6	96,4	80,8	90,2
Чилонзор	87,8	68,6	48,3	51,1
Шайхонтоҳур	51,8	62,2	47,2	73,0
Юнусобод	88,7	59,3	30,3	86,1
Яккасарой	88,0	92,2	70,0	47,1
Яшнобод	78,1	84,4	34,1	72,3

Туманлар бўйича саноат маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича энг юқори улуш Олмазор (90,3 %), Юнусобод (88,7 %) ва Яккасарой (88,0 %), туманларга тўғри келади.

Қурилиш бўйичада энг юқори улуш Учтепа (96,4 %), Сергели (94,6 %) ва Яккасарой (92,2 %) туманларга тўғри келади.

Хизматлар соҳасида энг юқори улуш Бектемир (92,3 %), Учтепа (80,8 %) ва Яккасарой (70,0 %) туманларга тўғри келади.

Чакана савдо айланмасида энг юқори улуш Бектемир (95,8 %), Учтепа (90,2 %), Юнусобод (86,1 %) ва Мирзо Улуғбек (73,2 %) туманларга тўғри келади.


2019 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорликнинг ЯХМ даги улуши 60,4 % ни ташкил қилди (2018 йилнинг январь–декабрида 65,1 %), ЯХМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2019 йил январь–декабрь ойлари яқунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 273 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 42,3 % иқтисодий вазиятни – қулай ва 19,2 % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида 31,2 % ва 50,9 %, хизматлар соҳасида 39,8 % ва 44,3 %, саноатда 22,7 % ва 65,9 % ни ташкил қилганини кўрсатди.


Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар қурилишда 38,5 %, савдода 17,9 %, хизматларда 17,5 % ва саноатда 11,4 % ни ташкил қилди.

**Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни тармоқлар кесимида баҳолаш
2019 йил январь-декабрь учун, фоизда**



Иқтисодий вазият яқин уч ойда саноат корхоналари яхшиланиши 54,6 %, ўзгаришсиз 40,9 % ни, ёмонлашиш эса 4,5 % ни, савдо соҳасида – яхшиланиш 55,3 %, ўзгаришсиз 39,3 %, ёмонлашиш 5,4 %, хизматлар соҳасида яхшиланиш 47,7 %, ўзгаришсиз 47,7 %, ёмонлашиш 4,6 %, ва қурилиш тармоғида яхшиланиш 69,2 %, ўзгаришсиз 15,4 %, ёмонлашиш 15,4 % кутилмоқда.

**Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар
истикболлини яқин уч ойда баҳолашни, фоизда**



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.